

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 1**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммадҷон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илҳом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Боқиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматқул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форд**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммадҷон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илҳом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оғли**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бақиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джўраев Маматқул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форд**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

### Адабиётшунослик

- 37. Po'latova Sevara Mahmud qizi**  
HOZIRGI O'ZBEK ADABIY ME'YORIDAGI LAKUNALAR  
(VOBKENT TUMANI MISOLIDA).....6
- 38. Давронова Махфуза Исроиловна**  
МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК.....11
- 39. Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна**  
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК  
РОМАНЧИЛИГИ.....18
- 40. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna**  
IBROHIM G'AFUROV – SHE'RSHUNOS.....26
- 41. Мусурманов Эркин Раббимович**  
O'ZBEKISTON HUDUDIDAN XITTOYGA YOYILGAN  
BUDDAVIYLIK G'OYASI VA MIFOLOGIYA.....34
- 42. Рузобаева Нигорахон Рахимовна**  
ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТИТЕЗЫ В УЗБЕКСКИХ  
И АНГЛИЙСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ.....40
- 43. Тўмарис Бутунбаева**  
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО  
ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....47
- 44. Хажиева Феруза Мэлсовна**  
ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ.....51
- 45. Zoyirova Go'zal Nematovna**  
SAMANDAR VOHIDOVNING EPIGRAF QO'LLASH MAHORATI.....60
- 46. Охунова Гўзалхон Ҳамдамбековна**  
ҲИКОЯ ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....67
- Тилшунослик**
- 47. Bekmurodova Firuzabonu Normurodovna**  
SPECIFIC FEATURES OF CEREMONIES AND THEIR LINGUAPRAGMATIC  
MEANING IN UZBEK CULTURE (AS AN EXAMPLE OF WEDDING CEREMONIES).....73
- 48. Каримов Рустам Абдурасулович**  
ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСИ МАТНЛАРИНИ  
ЛИНГВИСТИК ТЕГЛАШ МУАММОЛАРИ.....81
- 49. Қурбанов Мухтар Даулетбаевич**  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИТООЙКОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....87

<b>50. Наргиза Рашидова</b> ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЯДА АРАБСКИХ ОДНОКОРЕННЫХ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ СО СФЕРОЙ ОБРАЗОВАНИЯ.....	94
<b>51. Рустамов Дилшодбек Абдувахидович</b> НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.....	104
<b>52. Халилова Рухсора Рауповна</b> ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ.....	113
<b>53. Юлдашева Дилором Нигматовна</b> ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ.....	119
<b>54. Gulchehra Toshpo‘lot qizi Cho‘liyyeva</b> OHANG SITUATIV PRAGMATIK TIZIM BIRLIGI SIFATIDA.....	127
<b>55. Mavlonova O‘g‘iloy Hamdamovna</b> КИНОЯНИНГ ОҒЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ.....	135
<b>56. Рўзиева Дилфуза Салимбоевна</b> ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАН ГЕНЕЗИ СПЕЦИФИК ТАСНИФИ.....	141
<b>57. Бойматова Дилноза Бахтиёровна</b> УНДАЛМАЛИ ГАПЛАРДА ИФОДАЛАНГАН АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ВА СЕМАНТИК ВАЗИФАСИ.....	147
<b>Таржимашунослик</b>	
<b>58. Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна</b> METHODS OF TRANSLATING REALIAS IN THE NOVEL “DAYS GONE BY” BY A.QADIRI.....	153
<b>59. Қўлдошов Ўктамжон Ўрозович</b> ТАРЖИМАДА КОНВЕРСИВЛИК ВА АНТОНИМЛИК МУНОСАБАТИНИНГ БЕРИЛИШИ.....	160
<b>60. Хидирова Гулнора Нарзиевна</b> СИНТАКСИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ (НА МАТЕРИАЛЕ РУССКИХ ПЕРЕВОДОВ РОМАНА А.КАДЫРИ).....	167
<b>61. Akhmedova Rano Ashurovna</b> THE FEATURES OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS.....	174
<b>62. Aripova Kamola Yusupovna</b> THE DISTINCTIVE FEATURES OF TRANSLATION OF THR NOVEL “NIGHT AND DAY”.....	179

## **Лингводидактика**

### **63. Jalilova Guzal G'ulomovna**

'FLIPPED CLASSROOM' MODULINING GAPIRISH KOMPETENSIYASINI

RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI: 'KICHIK GURUHLI MUNOZARA' TEXNIKASI.....184

### **64. Ш.Б.Рахимова**

НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАЛАФФУЗ МАҲОРАТИНИ КОММУНИКАТИВ

ЁНДАШУВ АСОСИДА ОШИРИШ.....190

## **Журналистика**

### **65. Садоқат Махсумова**

МЕДИА МАКОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ

ЎЗГАРИШЛАР.....195

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Журналистика

Садоқат Махсумова,  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети таянч докторанти.

## МЕДИА МАКОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-65>

### АБСТРАКТ

Мақолада медиа менежментнинг тизимли ёндошуви, унинг назарий асосларига эътибор қаратилган. Ёндошувларнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятига таъсири таҳлилга тортилган. Бу борада жаҳон тажрибаси ўрганилган. Замонавий медиа майдонида босма нашрлар, теле ва радиоканаллар, интернет манбаларининг ҳолати таҳлил қилинган.

### CHANGES IN THE ACTIVITIES OF THE MEDIA

### ABSTRACT

The article analyzes the systematic approach of media management, the theoretical foundations. The impact of the approaches on media performance is analyzed. The world experience in this regard has been studied. The state of print media, TV and radio channels, Internet resources in the modern media field is analyzed.

### ИЗМЕНЕНИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется системный подход к медиа-менеджменту, его теоретические основы. Анализируется влияние подходов на медиаэффективность. В этом отношении изучен мировой опыт. Проанализировано состояние печатных СМИ, теле- и радиоканалов, интернет-ресурсов в современном медиа-пространстве.

**Калит сўзлар:** медиа-макон, медиа менежмент, медиа-космос, тизимли ёндошув, газета, телевидение, интернет, коммуникация

### Кириш

Жорж Оруелл ўзининг "1984" анти-утопия асарида инсоннинг, жамиятнинг эркинлиги ва автономиясини бутунлай инкор этиб, уни қуйидагича тавсифлади: глобал мақсадни амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар этиш; раҳбар томонидан бошқариладиган ҳокимиятни бир партиянинг қўлида тўплаш; алоқа воситалари устидан монополия; жамоат ва шахсий ҳаёт устидан тўлиқ назорат; барча диссидентларга ва мухолифларга нисбатан шафқатсиз зўравонлик; ҳамма нарсага негатив муносабат;

шафкатсиз уруш ҳар доим жамиятнинг соғлом қисми томонидан рад этилади. Бундай компаниянинг яратилиши ва мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири - бу монополия ёки ҳеч бўлмаганда, бундай давлатнинг медиа-мақонида етакчи элитанинг устун мавқеига эғалигидадир.

### **Асосий қисм**

Шу маънода изланишларимизнинг асосий мақсади оммавий ахборот маконини бошқариш тизимини таҳлил қилиш, медиа макон устидан тўлиқ назорат қилиш имкониятларини аниқлаш, структуравий ўзгаришларни таққослашдан иборат.

Ушбу вазифани ҳал қилиш учун, авваламбор, бирон бир услубий асосда ўрганилаётган объектнинг тузилишини - оммавий ахборот макони, унинг ижтимоий назоратининг асосий усуллари тавсифловчи функционал муносабатлар ва самарадорликни назорат қилиш усуллари таҳлил этиш жоиз.

Медиа менежмент тадқиқотларининг концептуал асосларини ишлаб чиқишда Т. Парсонснинг фаолият назарияси, шунингдек А. Леонтиевнинг илмий изланишлари(1) ва ижтимоий ОАВ тузилиши ҳақидаги Г. Зиммелнинг социологик ғоялари алоҳида ўрин тутди(2). Кантнинг ғояси ва Мелник(3) талқинида давом этган ижтимоий макон тадқиқотларида ўрганшилар доирасианчайин кенгайди. П.Сорокин ва Т.Парсонларнинг изланишлари ижтимоий маконни ўзаро алоқадор элементлар ўртасидаги муносабатлар соҳаси сифатида талқин қилиш мумкинлиги ойдинлашади. Ижтимоий макондаги ўзаро таъсир тушунчасини биз П.Парк ва Э.Буржесси (4) ҳаммуаллифлигидаги рисоладан топишимиз мумкин.

Медиа-космос ибораси ҳақидаги ижтимоий тушунчалар эса илк бор 1990 йилда пайдо бўла бошлаган. А.Аппадурай глобаллашув назарияларини муҳокама қилиш доирасида(5) медиа соҳасидаги ушбу жараёни медиа космос тушунчаси билан боғлаган. Унинг ғоялари асосида М. Рожер оқим бўшлиқлари таснифининг муайян мослашуви ва уни симуляцияларини гуруҳларга ажратган. Жан Бодрилляр ва М. Ватерс назариясида медиа космос бошқаруви маданиятининг "ўлчовлари" сифатида диний дахлсизлик; этник ўзига хослик; ахборот қиймати ва капитал оқими натижасида ҳосил бўлган йўналишлар(6) эътироф этилган.

Медиа-макон коммуникатив фаолият асоси саналади. Бу ҳолатга ижтимоий ҳаракатлар назарияси билан ҳам, умуман структуравий-функционал ёндашув билан ҳам қараш мумкин. Ўзаро муносабатлар социологик категория сифатида алоқани тўғридан-тўғри жараёнда ижтимоий институтлар, шу жумладан оммавий коммуникация воситалари ва уларнинг аудиториясини боғлашга имкон беради. Шунингдек, оммавий коммуникация ва ижтимоий бошқарув ахборот компанияларининг барча узоқ муддатли социологик назарияларидан фойдаланиш орқали медиа менежментни такомиллаштириш имконини яратади. Демак, медиа-маконни қуйидаги ижтимоий объектларнинг яхлит мажмуаси сифатида кўриш мумкин: оммавий ахборот воситалари аудиторияси, оммавий коммуникация учун ишлаб чиқарувчилар / муаллифлар таркиби, мазмун ва ҳақиқий оммавий коммуникация воситалари.

Таҳририятларни бошқаришда тизим ёндашувининг самарадорлиги юқорилиги таъкидланади. Тизимли ёндашувни тушунишда икки асосий фикрга асосланиш керак: асосий элементни ажратиш - тизим Конфигураторини ва базавий элементнинг функционал боғлиқлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Т.Парсонснинг ижтимоий ҳаракатлар назарияси эса медиалар бошқарувида энг ривожланган назарий асосдир. Унга кўра, ижтимоий тизимнинг ҳар қандай қисми мослашиши, бирлашиши ва белгиланган мақсадларга эришиши ва маданиятни сақлаб қолиши керак. Ҳар қандай ижтимоий тизимни таҳлил қилиш ҳаракатлар назарияси нуқтаи назаридан тўртта асосий функцияга асосланган бўлиши керак: мослашиш, интеграция, мақсадга эришиш, маданий такрор ишлаб чиқариш.

Т. Парсонс "мослашиш" деб атаган ташқи инструментал йўналишларнинг комбинацияси ахборотни тарқатиш ва етказиб беришга масъул бўлган оммавий ахборот воситаларининг медиа-макони учун ижтимоий аҳамиятга эга.

Медиа маконини таҳлил қилишнинг танланган асосий элементи асосида унинг тузилишини батафсил таҳлил қилиш мумкин. Россия оммавий ахборот маконининг «табақаланиши», глобаллашувнинг динамик жараёнлари ва оммавий ахборот воситалари аудиториясининг парчаланиши фонида содир бўлаётган воқеалар медиа маконнинг кўп босқичли тузилишини шакллантиришга олиб келади. Бундай тузилма оммавий коммуникация таркибининг тарқалишига таъсир кўрсатадиган воситаларни аниқ таъминлашга ва алоқада бўлган таркиб билан бўладиган потенциал аудитория ҳажмини аниқлашга имкон беради.

Қайта куриш даврининг бошланиши билан Россияда томошабинлар халқаро компаниялар бўлган таркибни ишлаб чиқарадиган баъзи оммавий ахборот воситаларига эга бўлишди. Масалан, Evronews телеканалли. 2002 йилда пайдо бўлган телеканалнинг ўртача кунлик аудиторияси 1 фоиздан кам бўлган, аммо ҳозирда у кунлик эфирни 4 фоизга, яъни 4 бараварга оширди. 2011 йил июл ойида Россия Федерацияси ҳудудида 100 дан ортиқ глобал оммавий ахборот воситаларида фаолият юритарди. 2011 йил биринчи ярмида TNS Россиянинг тадқиқот ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро телеканаллар орқали глобал контентнинг умумий қамрови 49 фоизни ташкил этди. Бу шуни англатадики, медиа маконининг глобаллашуви жараёнлари оммавий коммуникацияларнинг телевизион аудиториясига таъсир ўтказа бошлади.

Тадқиқот компанияси маълумотлари асосида олиб борилган ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, Россиядаги шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпи 62,3 фоизи хорижий халқаро нашрларнинг рус тилидаги версияларини ўқийди. Яъни, оммавий ахборот коммуникациялари учун Россия оммавий ахборот маконининг глобаллашуви тенденцияси тўлиқ амалга оширилмоқда. Глобал оммавий ахборот воситалари нафақат учинчи дунё мамлакатларида, балки ривожланган мамлакатларда ҳам жамиятни тараққий этиш вазифасини муваффақиятли бажармоқда.

Россиянинг учта миллий телеканалли Россия 1, Биринчи, НТВ ҳар куни шаҳар аудиториясининг 40-50 фоизи билан ишлайди ва ушбу каналларнинг ҳар бирининг йиллик аудиторияси 96-98 фоизни ташкил қилади. Бутунроссия телеканаллари гуруҳи (СТС, РЕН-ТВ, ТНТ) кўрсаткичлари пастроқ, аммо глобал медиа ташкилотлари билан боғлиқ бўлган телеканалларнинг кўрсаткичларидан анча юқори. Россиядаги шаҳар аҳолисини кунлик қамраб олиш 30 фоизгача ўзгариб туради. Матбуотга келсак, Россиядаги етакчи газеталарнинг умумий аудиторияси шаҳар аҳолисининг 50 фоизини ташкил қилади. Агар бунга ҳафталик нашрларни қўшсак, у ҳолда кўрсаткич 78 фоизга етади. Россиянинг ойлик даврий нашрлари ҳисобга олинса, 80 фоизни ташкил қилади.

Юқоридаги фактлар Россия оммавий ахборот воситалари аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаётганини кўрсатади. Россиянинг 29 та йирик ва ўрта шаҳарларида 2010 йил бошида 198 та минтақавий телекомпания, яъни шаҳарда ўртача 6 дан ортиқ телеканал фаолият юритарди. Шулардан 17 таси мустақил бўлиб, қунига 18дан 24 соатгача эфирга узатилади.

Маҳаллий каналларнинг умумий қамрови 99 фоизгача етади. Биргина Орел шаҳрида ва Орел вилоятида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг сони-97 та, Карелия Республикасида-375 та, Вологда ва Вологда вилоятида - 536 та, Екатеринбург ва Свердловск вилоятида - 669 та, Олтойда ҳудудида - 1000, Воронеж шаҳри ва Воронеж вилояти - 1085, Челябинск ва Челябинск вилояти, умуман Россияда рўйхатдан ўтган 119724 оммавий ахборот воситаларининг 2067 таси. Шундай қилиб, оммавий аудитория билан алоқаларнинг минтақавий даражаси маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг деярли барча ҳудуддаги аудитория билан ишлашига имкон беради.

Бироқ уларнинг моддий фойда кўра олиши биров муаммоли, чунки оммавий ахборот воситаларини бозорга етказиб берувчи компания социологик маълумотларни тадқиқ қилади.

Россияда дастурларнинг чиқиши бутун ҳудудлар учун мос бўлиши керак. Орбиталар сони иккитадан бештагача. Тўғридан-тўғри эшиттиришдан фойдаланадиган бир нечта каналлар ва турли хил вақт зоналарида яшовчи томошабинлар бир вақтнинг ўзида битта «тасвир»ни кўришади.

Оммавий алоқанинг иккинчи муҳим воситаси бу матбуот. Россиянинг бутун ҳудудида тарқалган 190 нашр орасида ярмини глобал оммавий ахборот воситалари (бу асосан ойлик журналлар), ярмини эса миллий нашрлар ташкил қилади. Нашрларини тўлиқ камраб олиши Россиянинг 16 ва ундан катта ёшдаги шаҳар аҳолисининг 68 фоизини ташкил этади. Россиянинг Федерал ҳукумат станцияларининг ўртача кунлик аудитория улуши 100000+ шаҳарларда 15 фоиздан кам бўлган. Таққослаш учун: Германияда жамоат радиосининг умумий улуши 57,5, Буюк Британияда 54,5, Францияда 22,2 фоизни ташкил этди.

Нисбатан яқинда пайдо бўлган Интернет замонавий жамиятнинг энг жадал ривожланаётган ҳодисаларидан бирига айланди. Интернет оммавий коммуникация воситасидир. Интернет глобал оммавий ахборот воситаси бўлишига қарамай, у кўплаб миллий тармоқ майдонларидан иборат. Миллий домен маконининг ривожланиш динамикаси - умуман мамлакатдаги Интернетнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Домен номларининг кириб келиш даражаси бўйича (Россияда 1 000 фойдаланувчига 82 та домен номи тўғри келади (67 домени RU доменида ва 15 та Россия Федератсияси домени). Жамоатчилик фикри фонди ўтказган тадқиқотга кўра, Рунет (Россия Интернет) нинг 18 ёшдан ошган ойлик аудиторияси 50 миллион кишини ташкил этди ва россияликларнинг 31 фоизи ҳар куни Интернетга киришмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг учдан бир қисми кичик шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилади Сўнгги икки йил ичида ойлик Интернет аудиторияси сони 8 фоизга ўсди, шу билан бирга Интернетда кунига камида бир марта нашр этилган фаол фойдаланувчилар сони 14 фоизга ошди. Бу Интернет ривожланишининг умумий тенденциясини акс эттиради: фойдаланувчилар умумий сонининг ўртача ўсиш суръати фонида тармоқнинг фаол фойдаланувчилари кўпаяди. Интернетни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан бири ҳам катта ёшдаги гуруҳлар орасида фойдаланувчилар улушининг фаол ўсишидир. Россия Алоқа агентликлари ассотсиатсиясининг маълумотларига кўра, Рунетда онлайн медиа-реклама бозори 9,8 миллиард рублни, контекстли реклама бозори эса 16,9 миллиард рублни ташкил этди. Умумий онлайн реклама бозори 26,7 миллиард рублни ташкил этди, бу Россия реклама бозорининг 10,7 фоизини ташкил этади. Матбуот билан таққосланадиган Интернет асосан қўшимча алоқа воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. Интернетдаги ахборот эркинлиги тушунчаси эса жуда шартли. Интернетда контентни жойлаштириш эркинлиги иллюзиясига қарамай, анъанавий оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, ушбу таркибга кириш чекланган: масалан, блогга уни мавжудлигини билмай туриб кириш мумкин эмас.

Янги ахборот технологиялари таъсири остида оммавий коммуникациялар соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ўзгаришлар замонавий оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам аксини топди. Замонавий медиа тизимининг модификациясига асосланган бир нечта тенденциялар юзага келди.

Оммавий коммуникацияларни инстаграмизация, ютубизация ва тиктокизацияда тиклаш бунга ёрқин мисол.

Платформалар барча турдаги мулоқотларда — одамлар билан одамлар, харидорлар брендлар билан, сайловчилар сиёсатчилар билан, оммавий ахборот воситалари аудиторияси билан, ўқитувчилар билан талаблар каби воситачилар ролини қатъий эгаллади. Ҳар бир платформада алоқа ўзига хос хусусиятларга эга, яъни муаллиф ўз платформасини сақлаб қолиш ва томошабинларни тўплаши учун маҳаллий талабларга максимал даражада мослашиши керак. Энг тез ривожланган бу платформа замонавий коммуникацияларга бўлган ҳар қандай эҳтиёжга асос ва универсал жавоб бўлади.

Медиа платформалар яъни ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар катта аудиториянинг ахборот истеъмоли устидан тўлиқ назоратни қўлга киритди. Ушбу кун тартиби аудитория қайфиятини, қарорларини бошқариш орқали аудитория қатламига кимларни киритишни ва қандай қоидаларга асосан киришни чеклашни танлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Бундан ташқари, мазкур медиа платформалар ўзларининг манипуляцион мақсадларида фойдаланиши мумкин бўлганларга нисбатан заиф бўлиб бормоқда. Бу ерда блоггерлик билан шуғулланадиган журналистлар эмас, балки сиёсий троллар, кибер кўшинлар назарда тутиляпти. Улар ўзларининг холис кун тартибини илгари суриш учун алгоритмдаги хусусиятлар ва бўшлиқлардан фойдаланади. Баъзи давлатлар ва корпорациялар рақамли дунёда кўпинча одоб-ахлоқ, халқаро ҳуқуқларга қарамасдан ҳаракат қилишади.

**Хулоса.** Оммавий ахборот воситалари ва ахборот маконининг шаклланишини ўрганган Н.Луман ОАВларнинг ҳақиқий манфаатлари жуда чекланган доирада эканини таъкидлайди. «Шунинг учун муаммо ҳақиқатда эмас, муқаррар, аммо айна пайтда керакли ва назорат остида танланганлигидадир», - дейди у. Бугун аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ортган, аммо уларнинг ишончини сақлаб қолиш масаласи ОАВлар олдида кўндаланг турибди. Шунинг учунми ахборот истеъмолчиларининг аксарияти хануз давлат оммавий ахборот воситаларига кўпроқ мурожаат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Filippov A. F. *Sociology of space*. SPb.: «Vladimir Dal», 2008
2. Yudina E. N.. *Media space as a cultural and social system*. M.: Prometheus, 2005. 160 C;
3. Melnik A. *Space, Time, and Thought in Kant*. Dordrecht: Kluwer Academic Publisher, 1989
4. Park R. E., E. W. Burgess *Introduction to the science of sociology*. 3-ed. Chicago, London: The University of Chicago Press. 1969. P. 280.
5. Appadurai A. *Disjuncture and Difference in the Global Cultural Economy // Theory, Culture and Society*. No. 7, 1990. PP. 295-310
6. Waters M. *Globalization (Key Ideas)* London and New York: Routledge, 2001.
7. Mirzaakhmedova M.Yu. *Approaches to science and education in the east and in the west*. International journal of science and research (ISSN 2319-7067).
8. Акрамов, М.Р. (2013). Психологические аспекты формирования экологического сознания личности. *Science and World*, 80.
9. Акрамов, М.Р. (2020). Талабаларда матнларни идрок этишда психоллингвистиканинг ўрни. *Сўз санъати халқаро журналы*, 3 (3).
10. Бабанский Ю. К. *Методы обучения в современной общеобразовательной школе*. – 2-е изд., перераб. и доп. М: Просвещение, 2009.
11. Abdijalilova Z. D. (2007). Formation of the discursive competence of law students in teaching writing in a foreign language. *BBC 94 Z 40, (41-S)*, 244.
12. A.A. Abdullayev. *System of information and communication technologies in the education*. *Science and world International scientific journal 2 (№ 5)*, 19-21
13. M.M.Mirgiyazova, B.I. Urunov, M.S. Saidova. *The pedagogical conditions for effective training language teachers professional development new methods and technologies*. - *Theoretical & Applied Science*, 2020, 04 (84), 2020. – P. 1017-1019.
14. Миргиязова М. М. (2017). Innovative technologies in teaching English. *Молодой ученый*, (25), 301-302.
15. Миргиязова, М. М. (2018). Использование информационных технологий в процессе оценки юридической терминологии *Молодой ученый*, (21), 481-483.
16. Миргиязова, М. М. (2018). The importance of teaching legal English. *Молодой ученый*, (32), 94-95.
17. Yusupov O.N. *Cognitive semantics in context*. *Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe 7 (2)*, 84-87.

18. Юсупов О.Н. Ўзбек адабиётининг инглиз тилидаги таржималарининг лингвокогнитив тадқиқи. Сўз санъати халқаро журналі. 3 сон, 3 жилд. Б.102-105.
19. Юсупов О.Н. Анализ проблемы стиля в художественном переводе. *The Way of Science*, 94. 2014.
20. Юсупов О.Н. Специфика художественного перевода. *Наука и Мир* 2 (3), 170 - 172. 2014.
21. Mirzaakhmedova M.Yu. Approaches to science and education in the east and in the west. *International journal of science and research (ISSN 2319-7067)*.
22. Zoyirova, D.A. (2018). Forming Discursive Competence of Law Students. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
23. Zoyirova D.A. (2019). Effective teaching of the English language based on the communicative-cumulative method in the process of education using modern technologies. *Сўз санъати халқаро журналі*, 1(5).
24. Zoyirova D.A. (2019). features of translation from English to Russian. *Экономика и социум*, (10), 71-73.
25. Yuldashevna, M. M., & Abdijalilovna, Z. D. (2019). The impact of the East in Shakespeare's tragedies. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 2020.
26. Формирование интеллектуальной готовности старшего дошкольника к учебе в школе. // *Балтийский гуманитарный журнал*. – 2013. – № 3. – С. 5-7.
27. <https://art.tadqiqot.uz/index.php/art/article/view/215/214>
28. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-17>

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 4, ISSUE 1**